

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
Компаняси” УК Сирдарё вилояти  
Худудий бошқармаси бошлиғи



Э.Турдибеков  
\_\_\_\_\_ 2022 йил

ХОВОС ТУМАНИ БУНЁДКОРМФЙ КСЗДА  
ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИНИ ҚУРИШ ОБЪЕКТИНИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

# ***ТЕНДЕР ХУЖЖАТИ***

**БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!**

**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
Компанияси” УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Объект номи:** "Ховос тумани БунёдкорМФЙ КСЗда  
ичимлик суви тармоғини қуриш " объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб  
чиқиш.

**Объектнинг бошланғич нархи (КҚС билан) – 15 000 000 сўм.**

**Ишларни тугаллаш муддати – 20 кун.**

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг  
компанияси УК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси

**Жойлашган манзили-** Гулистон шаҳар Фирдавсий кўчаси 70-уй,  
телефон- 0-367-225-63-63

**Молиялаштириш манбаси:** Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув  
тизимини ривожлантириш жамғармаси)

Тендер иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни  
бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги,  
мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга,  
шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга  
бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан  
жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) дан  
юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан  
бошлаб, қабул қилишни охириги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия  
томонидан кўриб чиқилади.

**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши  
бўйича инжиниринг Компанияси” УК Сирдарё вилояти  
ҳудудий бошқармаси бошқаруви:**



 **Э.Турдибеков**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси тендерда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича Тендер таклифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: "Ховос тумани БунёдкорМФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш " объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Объектнинг бошланғич нархи (ККС билан) – 15 000 000,00 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 20 кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сирдарё ҳудудий бошқармаси

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)

Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича мулкчилик шаклидан катъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши:

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, тендер предметига кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий ҳолати:

Тендер предметига ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Куйидаги Тендер иштирокчиларига Тендер жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Тендер таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг Тендер ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

БУЮРТМАЧИ РАҚБАРИ:



Э.Турдибеков